

ФАРГОНАДА ХИТОЙ САРМОЯСИ ИШТИРОКИДА ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг Mycars (Shandong) International Trading компанияси таъсисчиларидан иборат инвесторлар гурухини ҳамда компаниянинг маҳаллий ҳамкорларини қабул қилди.

Учрашувда Mycars (Shandong) International Trading компанияси томонидан жами 15 миллион доллар тўғридан тўғри Хитой инвестицияси киритиш ҳисобига Қувасой шаҳри ҳудудида амалга оширишга киришилаётган йирик кўп тармоқли ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг жорий йил сентябрь ойида Хитойга амалий ташрифи давомида ушбу компания раҳбарлари билан музокаралар ўтказилиб, ушбу лойиҳа бўйича дастлабки келишувга эришилганди.

Режага кўра, дастлабки босқичда юқори сифатли автоклавли газоблоклар ҳамда бинолар фасадлари учун базальт изоляцион плиталари ишлаб чиқариш линиялари ишга туширилади. Бунда қисқа муддатда 100 дан ортиқ доимий иш ўрни яратилади. Бугун янги хорижий корхона вилоятимизда давлат рўйхатидан ўтказилди, яқин кунларда лойиҳанинг тамал тошини қўйиш режалаштирилган.

Иккинчи босқичда эса юк кўтариш кранлари йиғиш, шунингдек, ветеринария дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Умумий ҳисобдан лойиҳанинг барча линиялари ишга тушиши натижасида 300 дан зиёд иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Вилоят ҳокими Фарғона вилояти қурилиш соҳаси ривожи учун муҳим бўлган ушбу лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдириди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринbosари Нуриддин Мамажонов ҳамда вилоят ҳокимининг Фарғона ва Хитой ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Отахон Хайруллаев иштирок этдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-29 20:19:02